O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 20 APREL
SHANBA
№ 49 (26.908)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.



НАМАНГАН. Поп туманининг Чодак массивида қад кўтараётган «Машканал» қурилиши ва уч босқичли «Маргизор» сув кўтариш иншоотида бунёдкорлик ишлари қизғин бормоқда.

Умумий узунлиги 30,5 километр бўлган бу ирригация иншооти келгусида биргина Поп туманида 23618 гектар ер майдоннинг сув таъминотини яхшилайди ва 16725 гектар янги экин майдонларини ўзлаштириш имконини беради. Бу — вилоятда янги хўжаликлар, аҳоли манзилгоҳлари ва янги иш ўринлари демакдир.

Суратларда: иншоот қурилишининг илғор бунёдкорларидан Бозорбой Мамақулов, Назир Жумаев ва Фатхулло Акромов; қурилиш майдонларидан бир манзара.

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасида Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажлиси бўлди. Унда кенгаш аъзолари ҳамда тегишли вазирлик, қўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур кенгаш раиси К.Тўлаганов бошқарган мажлисда мамлакатимизда инвестиция дастурлари бажарилишининг биринчи чорак якунлари ҳамда галдаги вазифалар муҳокама этилди.

Иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш, корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда хорижий сармояларни жалб этиш муҳим ўрин тутади. Ана шу мақсадда иқтисодиётнинг барча соҳаларида йирик капитал маблағларни ўзлаштириш ва инвестиция дастурларини изчил бажариш учун қулай шарт-шароит муҳайё этилган. Шу боис мамлакатимизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда, айрим ташкилотларда жорий йилнинг ўтган уч ой мобайнида хорижий сармоялар ҳисобидан маблағ нисбатан кам ўзлаштирилгани кузатилди.

Мажлисда алоқадор вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига ишлаб чиқариш тузилмаларига янги технологияларни кенг жорий этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш ва хорижий сармоялардан унумли фойдаланишга эришиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида бажариш юзасидан зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

■ (ЎзА)

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНАДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Президент Ислом Каримов ташаббуси, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига биноан чоп этилган «Ўзбекистон — Ислом обидалари» фотоальбомининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ҳукуматимиз аъзолари, чет эл элчихоналари вакиллари, хорижий ва маҳаллий журналистлар ҳозир бўлдилар.

Тақдимот маросимини бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов бошқариб борди.

Альбом ўзбек, инглиз, араб тилларида чоп этилган. Унинг умумий ҳажми 264 саҳифани ташкил этади. У «Муқаддима», «Мозийга назар» очерклари, беш бўлим ва якуний маълумотларни ўз ичига олган.

Буюк ипак йўли устида жойлашган қадимий Бухоро, гўзал Самарқанд, кўҳна Термиз, Хива, Тошкент шаҳарларида сақланиб қолган меъморий ёдгорликлар альбомнинг асосини ташкил қилади. Унга жами 74 ислом обидаларининг кенг қамровли фотолавҳалари киритилган. Совет тузуми даврида хароб ҳолатга келган 19 обиданинг оқ-қора фотосурати ҳам жойлаштирилган. Шунингдек, Ислом маданиятининг ноёб дурдоналаридан бўлган 29 нодир қўлёзманинг, жумладан, Мусҳафи Усмоннинг фотонусхаси ва улар тўғрисида маълумотлар берилганлиги фото асарнинг таъсирчанлигини оширган.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ

ФАРҒОНА БАЙРАМ КАЙФИЯТИДА

ЯНА БИР НЕЧА КУНДАН СЎНГ ФАРҒОНАДА «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2002» РЕСПУБЛИКА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНАДИ

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан юртимиз бўйлаб ўтказилаётган бу спорт байрами ёшларни соғлом, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, кичик олимпиада мақомини олган мазкур мусобақалар ёшларнинг спорт-даги имкониятини яққол намоён этишда хизмат қилади. Беллашувларнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ғолиблар келажакда юртимиз шарафини халқаро спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилади.

Бугун Фарғона ана шу қутлуғ байрам тараддуди билан яшамоқда. Мусобақалар ўтказиладиган Фарғона, Марғилон шаҳри, Фарғона, Тошлоқ ва Қиргули туманларидаги барча спорт иншоотлари беллашувлар учун тахт қилиб қўйилди.

Асосий мусобақалар ўтказиладиган «Нефтчи» марказий стадиони қисқа фурсатда халқаро андозалар асосида қайта таъмирланди. Бу ерда спортчилар ва ишқибозлар учун барча шароит яратилган.

Стадион марказида қад ростлаган «Умид ниҳоллари — 2002» спорт мусобақаларининг рамзи туширилган машъала майдон салобатини янада оширган. Эндигина ялпоқ ёзиб кўкка бўй чўзаётган ниҳол беғубор ёшлик, яхшилик ва эзгулик, умид нишонаси сифатида ифодаланган. Стадионда кўкаламзорлаштириш, ободончилик ишлари амалга оширилди. Қурувчилар қисқа муддатда 350 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

— Юртимиз ёшлари ҳаётида биринчи бор ўтказилаётган мусобақалар бўлиб ўтадиган спорт иншоотларини таъмирлашда иштирок этаётганимдан хурсандман, — дейди тошкентлик уста Жаҳонгир Турсунмуродов. — Бунгача Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тантаналари муносабати билан амалга оширилган ободончилик иншоотлари қурилишида қатнашган эдим. «Умид ниҳоллари — 2002» спорт ўйинлари баҳонасида Фарғона ҳам чирой очиб, кўркамлашмоқда. Ҳам болаларимиз хурсанд, ҳам юртимиз обод бўлмоқда.

«Умид ниҳоллари — 2002» спорт ўйинларини вилоятда катта байрам сифатида нишонлаш, мусобақаларни жаҳон андозалари асосида ташкил этиш, бу муҳим тадбирнинг аҳамиятини, моҳиятини нафақат ўқувчи ёшлар, балки бутун аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Мусобақалар пайтида вилоятда кўплаб маданий, кўнгилочар тадбирлар уюштирилади. Иштирокчилар ҳар бир кунни мароқли ва сермазмун ўтказиши, фарғоналикларнинг ўзига хос урф-одати, анъаналари билан яқиндан танишиши борасида ҳам тадбирлар ишлаб чиқилди.

— Мусобақаларга университетимиз талаба ёшлари ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда, — дейди Фарғона давлат университети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Тоҳиржон Шокиров. — Мусобақалар пайти ёш спортчиларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришини ташкил этишга, айниқса жиддий эътибор берганмиз. Бунинг учун юз кишидан иборат экскурсиячилар гуруҳини ташкил этдик. Улар спортчи ёшларнинг Фарғона бўйлаб саёҳатларини уюштиради. Бунинг учун 70 та автобус ажратиб қўйилган.

Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуёш ўчоғида ёқилган мусобақа машъаласи вилоятнинг Данғара тумани, Қўқон шаҳри, Учкўприк, Бувайда, Боғдод, Риштон, Олтиариқ туманлари ва Марғилон шаҳридан ўтиб мусобақа бош майдонига олиб келинади. Машъала олиб ўтиладиган йўллар ва улар атрофида кенг миқёсда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилди.

Вилоятда спорт иншоотларини қуриш, таъмирлаш, ободончилик ишларини амалга ошириш, беллашувларни юқори савияда ўтказиш учун 3 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

«Умид ниҳоллари — 2002» спорт ўйинларининг тантанали очилиши ва ёпилиши маросимларида олти минг нафарга яқин ўқувчи болалар ва кўплаб бадиий жамоалар иштирок этади.

■ Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНИ

«ЎЗБЕККИНО» КОМПАНИЯСИ «БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНИ» МАВЗУИДА КИНОСЦЕНАРИЙЛАР ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловга юборилган асарларда миллий истиқлол ғояси тантанаси, турмушимиз ва тафаккуримизда рўй берган ўзгаришлар; адолат ва эзгулик йўлида матонат кўрсатаётган, Ватан манфаати учун фидокорлик намойиш қилиб яшаётган ва меҳнат қилаётган замондошимиз сиймоси, унинг маънавий дунёси, эътиқоди, орзу-ўйлари, интилишлари умумлашган бадиий-фалсафий ва ҳаётий замонда теран акс этган бўлиши керак.

ҒОЛИБЛАР УЧУН МУКОФОТЛАР:

Биринчи мукофот — 1.000.000 сўм.
Иккинчи мукокофот — 750.000 сўм.
Учинчи мукофот — 500.000 сўм.

Асарлар 50-60 саҳифадан ошмаслиги ва уч нусхада, 2002 йил 1 июлга қадар «Ўзбеккино» компаниясига жўнатилиши лозим. Танлов август ойида якунланади ва ғолиблар аниқланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 98-уй, «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси. Телефонлар: 144-67-53, 144-67-54, 144-67-66

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

СУҒУРТА — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

У БИЗНИ, УЙ-ЖОЙИМИЗНИ, МОЛ-МУЛКИМИЗНИ ФАВҚУЛОДДАГИ ҲОДИСАЛАРДАН, ВУЖУДГА КЕЛГАН ВА ПАЙДО БЎЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРДАН, ТАЛАФОТЛАРДАН МОДДИЙ-МОЛИЯВИЙ МУҲОФАЗА ЭТАДИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун ҳақида гапириб, суғурта тизимини дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги каби кенг қўллаш ва у ҳаётимиз заруриятига айланиши лозимлигини, бунинг учун аҳоли ўртасида кўпроқ тарғиб қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мухбиримиз Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бўлиб, Суғурта иши, қимматли қоғозлар ва фоиз биржаси кафедрасининг бир гуруҳ олимлари ва ўқитувчилари билан тармоқ тизимини шакллантиришнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий омиллари ҳақида суҳбатлашиб қайтди.

— Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши босқичларида суғурта тизимининг ўрнини қандай изоҳлаган бўлар эдингиз? Аввало, бу тизимнинг ўзи қачон ва қай тарзда шакллланган?

Ҳабибулла БОЕВ, кафедра мудири, доцент: — Суғурта ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳамма босқичларида ўз ўрнига эга. У дунёнинг турли минтақаларида ҳар хил даражада ривожланган бўлиб, бу ривожланиш ҳуқуқий имкониятларнинг яратилиши билан боғлиқ. Суғурта жамиятлари илгари турли тараққиёт босқичларида бўлган аҳолининг моддий жиҳатдан муҳтож гуруҳларига ёрдамни мавжуд қоидалар, низомлар билан тартибга солиб борган ва кейинчалик давлат ташаббуси билан ишлаб чиқилган қонунлар ёрдамида тизим фаолиятини бошқариб келган.

Дастлабки манбаларда кўрсатилишича, суғурта тўғрисидаги қонунлар Европа мамлакатларида қабул қилинган. 1446 йилда Гольштеп суғурта жамиятлари Лондон ва Парижда ташкил топган. Илк қонунлар Германия, Швецария ва Голландияда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида «Суғурта тўғрисида»ги Қонун дастлаб 1993 йил 6 майда қабул қилинганлиги мамлакатимизда суғурта тизимини шакллантириш учун ҳуқуқий ваколатлар берилишига асос бўлди. Зеро, ҳар бир суверен мамлакат ўз ижтимоий тараққиётини таъминлаш, аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш ва ижтимоий муаммоларни ечишга суғурта тизимини ривожлантириш билан ҳам муяссар бўлган.

Шу нуқтаи назардан мустақилликка эришгандан кейин қабул қилинган «Суғурта тўғрисида»ги Қонун реал ҳаётда мазкур тизимни ривожлантиришга ҳуқуқий пойдевор яратди, деб тўла айта оламиз. Қонун суғуртани ривожлантиришга ҳуқуқий асос бўлиш билан бирга республикамизнинг ижтимоий-ҳуқуқий тараққиётида суғуртанинг мавқеини ҳам белгилаб берди, айниқса, юридик шахслар ва фуқароларнинг суғурта хизматига бўлган талабларини ҳар томонлама кафолатлай олди.

«Суғурта тўғрисида»ги Қонуннинг доимо такомиллашиб бориши суғурта муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Яъни, вазият тақозосига кўра, зарур ҳолларда давлат ташаббуси билан суғурта фаолиятига дахлдор қонунларнинг такомиллашиб бориши объектив заруриятдир. Шу боиси, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Қонунда суғуртага шундай таъриф берилади: «Суғурта инсон фаолиятининг турли соҳаларида фавқулотда содир бўладиган табиий офатлар, ҳодиса ва бошқа вокеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талафотларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган суғурта бадаллари (суғурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлар демакдир».

— Тизимнинг муҳим бўғини нима ва қайси ҳужжатлар унда асосий далил ҳисобланади?

Камариддин ҚЎЛДОШЕВ, кафедра ўқитувчиси: — Тизимнинг муҳим бўғини суғурта шартномаси. У асосий ҳужжат тариқасида томонлар манфаатини ифодалайди ва суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида кўрилган зарарни тўлашда асосий далил ҳисобланади.

Ҳозирги суғурта қонунчилигида суғурта товонига (тўланадиган товон пулига) давлатимиз солиқ жорий этмаганлигини аҳолининг моддий аҳволини яхшилаш ва фуқаролар даромадини кўпайтиришга қаратилган сиёсатнинг ифодаси, дейиш лозим.

Суғуртага доир тўловлар (яъни суғурта тарифлари) одатда давлат томонидан белгиланади. Бу асосан ҳукуматнинг суғурта ташкилотларини суғурта пули, суғурта товонини тўлаш жамғармаси ва бошқа заҳиралар ҳосил қилиш учун молиявий маблағ билан таъминлашида кўринади. Давлат суғурта тўғрисидаги қонунда суғурталовчи компанияларнинг молиявий заҳиралари ва жамғармаларига алоҳида эътибор бериш билан бирга суғурталовчилар зиммасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди. Белгиланган тартибда олинган суғурта бадалларидан бўлғуси тўловлар учун шахсий, мулкий ҳамда жавобгарлик суғурталарига заҳиралар ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ҲАҚИҚАТНИНГ ҚЎЛИ УЗУН, НИГОҲИ ЗИЙРАК

ЁКИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ АЙРИМ БАНКЛАРДА ЎРНАШИБ ОЛГАН НОПОК ШАХСЛАР ВА КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛГАН СОХТА ТАДБИРКОРЛАР ҲАҚИДА

Банк ва банклар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг хизмат доираси ва даражасини янада ошириш юзасидан Президент фармонлари, қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Негаки, банклар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз иқтисодини ривожлантиришда ғоят катта аҳамиятга эга.

Аммо минг афсуски, айрим банк тизимларида қонунни қўпол равишда бузиш ҳоллари рўй бермоқда.

Қуйида мухбиримизнинг Сурхондарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр Ғаффорович НУРМУҲАМЕДОВ билан бўлган суҳбати айнан банк тизимларида қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Бахтиёр Ғаффорович, банк тизимида, хусусан, кредит тақсимотида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура идоралари олдига қандай вазифалар қўйилган?

— Маълумки, янги иқтисодий шаклларга ўтилиши, мулкдорлар, бизнесменлар, фермерлар, кичик, ўрта ва йирик корхоналар фаолиятининг ривожланиши аввало банкларнинг самарали хизматига, боғлиқ. Бу борадаги қонунлар, Президентимизнинг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қорорлари ижроси биринчи навбатда биз ҳуқуқ идоралари ходимлари зиммасига катта масъулият юклашининг боиси ҳам ана шундан.

Бугунги кунда Сурхондарё вилояти маркази Термиз шаҳрида 11 та банк бирлашмалари, туманларда эса уларнинг 46 та филиаллари иш юритмоқда. Улар томонидан фақат ўтган 2001 йилда ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга вилоят бўйича банклар ва бюджетдан ташқари фондлар томонидан 18 миллиард 647,5 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган. Давлатнинг ана шунча миқдордаги маблағидан фойдаланиш, уларни ўз вақтида банкларга қайтарилишининг қонунийлигини доимий назорат қилиб боришимиз эса шарт ва зарур.

— Демак, умумий ишнинг ривожи учун аввало қарз олувчи ҳам, давлатнинг хазинасидан қарз берувчи кадрлар ҳам ҳалол бўлишлари, қолаверса, қонунларни биладиган ва уларга қатъий амал қиладиган инсонлар бўлишлари лозим. Шундай эмасми?

— Шак-шубҳасиз шундай. Авваламбор, фермер, тиҳоратчи ёки мулкдор экан деб, қарз сўровчининг кимлигини суриштирмасдан, у ана шу олаётган қарзини қайтара олиши мумкинми ёки йўқлигини аниқламасдан катта миқдордаги кредит маблағларини бериб юборавериш нодонликдир. Қолаверса, банкларда ишлайдиган раҳбар ва ходимларнинг ўзлари ҳам билимдон ва ҳалол бўлишлари зарур. Ҳикматлар жамланган «Қобуснома»да айтилганидек, «Имтиҳон қилинган дев, имтиҳон этилмаган (синалмаган) одамдан яхшидур». Бундай сўзларни айтишдан мақсад шуки, банклар фаолиятининг қонунийлигини текшириш жараёнида қарз олувчи ва қарз берувчилар орасида бир қанча нопок кимсалар ҳам борлиги аниқланди. Улар давлат маблағларини ҳотамтойларча совурганлар, очкўзларча ўмариб кетганлар.

(Давоми 2-бетда)

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

СУҒУРТА – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни таъкидлаш керакки, суғурта компанияси суғурталанувчилар манфаатларига зиён етказган тақдирда давлат уларнинг манфаатларини қонуний ҳимоя қилади. Чунки, давлат ҳар бир суғурта компанияси фаолиятини ўзининг ваколати органлари орқали назорат қилиб боради. Зеро, дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, давлат суғурта фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқини доим ўзида қонун билан сақлаб қолади.

Мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатишга даъвогар суғурта ташкилотлари албатта, давлат рўйхатидан ўтиши керак ва рухсатнома олгандан кейингина фаолият кўрсатишга ҳақли.

— Ўзбекистон давлат суғурта назорати — «Ўздавсуғуртаназорат» деган ташкилот бор. Унинг вазифалари нималардан иборат?

Мамадали ЭШНАЗАРОВ, кафедра ўқитувчиси, илмий ходим: — Давлат номидан иш кўрувчи «Ўздавсуғуртаназорат» қонун доирасидаги ўз ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда иш юритади. У суғурта тизимида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг иш юритишига оид услубий, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқади. Ҳар бир суғурта компаниясининг пул маблағларини ва улар зиммасидаги мажбуриятларнинг бажарилиш имкониятларини назорат қилади. Суғурта компаниялари белгиланган қонунлар ва қарорларни бажармаган ёки ишда хато-камчиликларга йўл қўйган бўлса, уларнинг фаолиятини тўхтатиши ва берилган рухсатномаларни қайтариб олиш ваколатига эга. «Ўздавсуғуртаназорат» Республика ҳудудида суғурта фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган барча суғурта фирмаларини (жумладан, чет эл суғурта фирмаларини ҳам) рўйхатга олади ва уларнинг иш юритишига рухсат беради.

— Баъзан суғурта бозорида монополистик фаолият, турли хил ғирром рақобатлар ҳам бўлиб туради. Уларнинг олдини олиш чоралари бизда ва хорижда қандай?

Х. БОЕВ: — Монополистик фаолиятга барҳам бериш чораларини бизда ҳам, хорижда ҳам одатда давлат излаб топади. Яъни, у қонунда кўрсатилган соғлом рақобат учун суғурта бозоридаги турли ғирром рақобатларнинг олдини олади ва уларни чеклаш учун барча тадбирларни кўради. АҚШ, Англия, Германия, Франция, Италия, Япония ва бошқа қатор илғор мамлакатларнинг суғурта тизими ва суғурта бозори тажрибаларини ўрганиб, шундай хулосага келдикки, суғурта компанияларининг ривожланишида асосан иқтисодий омиллар катта ўрин тутади. Бунда суғурта жамиятлари ва суғурта компанияларининг вужудга келишидаги асосий иқтисодий манбалар ва дастур жамғармаларини таркиб топтириш, айниқса муҳим.

Мухбир изоҳи: Домла тўғри айтдилар. у киши тилга олган мамлакатлардаги суғурта компаниялари турли хил мулк шаклида пайдо бўлган бўлиб, вакт ўтиши билан улар тобора ривожланган ва олинган даромадлари ҳисобига ўз фаолиятларини авж олдирган. Ҳозир хориждаги кўпгина суғурта компаниялари ўз ихтиёрларидаги пулни пулга эҳтиёжи бор компанияларга инвестиция (сармоя) тарзида маълум муддатга қарзга бериб, ундан катта (фоизли) фойда олмоқдалар ва табиийки, бойиб бормоқдалар.

Ўзбекистонда ҳам Президентимиз Фармони билан қатор давлат ҳиссадорлик суғурта компаниялари ташкил этилган. Жумладан, «ЎзбекИнвест» миллий суғурта компанияси, «ЎзАгросуғурта», «Кафолат» давлат ҳиссадорлик суғурта компаниялари мавжуд.

Булардан ташқари ЎзАИГ суғурта компанияси, Банклараро «Банксуғурта» жамияти, «Мадад», Англо-Тошкент суғурта агентлиги каби ўнлаб суғурта жамиятлари ҳам фаолият кўрсатишяпти.

Суҳбатимизни иқтисод фанлари номзоди, доцент Тамара АКМАЛОВА давом эттирди:

— Бугунги кунда хориждаги сингари Ўзбекистон суғурта бозорида ҳам 80 дан ортиқ турли муқобил суғурта компаниялари фаолият олиб боришмоқда. Рақобатга бардош бера олмаган компаниялар ўз фаолиятларини тўхтатиб, ғолиб чиққанлари (ёки янгидан пайдо бўлганлари) фаолиятларини давом эттираяптилар. Пировардида, суғурта инфраструктураси вужудга келиб, у иқтисодий категория сифатида шаклланмоқда. Таркибидаги суғурта жамғармаси ва суғурта заҳиралари турли хил табиий офатлар, тасодифлар туфайли кўрилган моддий зарарларни қоплашга йўналтирилаяпти.

— Суғуртанинг бозор иқтисодиётида мамлакат ижтимоий ҳаётига, жамият ривожига, фуқаролар манфаатига, суғуртачилар ва суғурталанувчилар муносабатларига таъсири ҳақида ва марказлашган суғурта резерв жамғармаси, натурал ва пул бирлиги шаклидига суғурта жамғармалари тўғрисида ҳам газетхонларимизга қисқача тушунча бериб ўтсангизлар?

Ў. ҚЎЛДОШЕВ: Суғурта — бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига муҳим ҳисса қўшиб, маблағлари билан жамият ривожига ижобий таъсир кўрсатади, фуқаролар манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади. (Масалан, табиий офатлар суғуртаси, пенсия суғуртаси, ҳаёт суғуртаси ва бошқа кўринишларда).

Х. БОЕВ: Марказлашган суғурта резерв жамғармаси натурал ва пул бирлиги шаклидаги умумдавлат ресурсларидан ташкил топади. Натурал шаклдаги суғурта жамғармасига: маҳсулот, товар, хомашё, ёқилғи ва озиқ-овқат заҳиралари киради. Пул шаклидаги суғурта жамғармаси дейилганда — молиявий резервлар (олтин, қимматбаҳо буюмлар) тушунилади. Марказлашган суғурта жамғармаси табиий офатлар ва кутилмаган ҳалокатлардан кўрилган зарарларни қоплаш учун йўналтирилади. Давлат суғурта тизимини тартибга солишдан ва ривожлантиришдан манфаатдор. Масалан, мамлакат бюджетида камомад пайдо бўлганда ёхуд табиий офатлар юз берганда суғурта ихтиёридаги маблағлардан (аҳолига ҳар томонлама ёрдам беришда) фойдаланилади.

Демак, суғурта тизими, унинг ҳуқуқий ва иқтисодий омиллари — давлат ҳамда аҳоли манфаатларини кўзлаган инсонпарвар тизимлардан бири. Шунинг учун ҳам у ҳаётимиз зарурати.

■ Суҳбатни Номоз САЪДУЛЛАЕВ ёзиб олди

АВЛОДЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Яқинда пойтахтнинг Қўйлиқ даҳасида жойлашган 562-мактабгача таълим муассасасида «Баркамол авлод — келажагимиз пойдевори» мавзусида «Наврўз» байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Бу тадбирда шу мавзедаги 463-боғча тарбияланувчилари ҳам иштирок этишди. Фарзандларимиз урф-одатлар, расм-русумларимиз асосида кечган йиғинда тарбиячилар томонидан тайёрланган бадиий дастурни зўр маҳорат билан ижро этилди. Шунингдек, тадбирда фақат Миллий урф-одатларгина эмас, балки Асосий Қомусимиздан моддалар келтирилди, Миллий истиқлол ғояси тушунчаларини болалар руҳиятига сингириш сабоқлари намоён этилди.

■ Ш.ҚУРБОНОВ, ЎзХДП Сирғали туман кенгаши котиби

ЎЗБЕКИСТОНДА «БОИНГ»ЛАР КЎПАЯДИ

Мамлакатимизда фуқаро авиациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Самолётлар паркининг Ғарбда ишлаб чиқарилган замонавий ва қулай самолётлар билан бойитилиши шундан. Ҳозир миллий авиакомпаниядаги «Боинг», «А-310» ва «RJ-85» самолётлари жаҳон андозалари даражасида йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Дарвоқе, биринчи «Боинг-767» Ўзбекистон пойтахтига 1996 йилнинг 30 ноябрида қўнган эди. Тез орада у Франкфурт, Бангкок, Сеул, Пекин, Нью-Йорк йўналишлари бўйича парвоз қилди.

Истиқлол қанотлари янада мустаҳкамланиб бораётир. 2003 йилда Ўзбекистон ҳаво флотидаги «Боинг»лар сони яна иккитага ортади. Навбатдаги «Боинг-767» самолётларини харид этиш бўйича битимни Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Бош директори Арслон Рўзметов ва «Боинг» компанияси делегациясининг ҳаво кемалари тижорат халқаро сотувлари бўйича вице-президенти Дуглас Гросклоуз имзоладилар. Ҳужжатни имзолаш маросимида Америка томонидан «Боинг»нинг МДҲ мамлакатлари бўйича вице-президенти Крэг Джонс, битимлар департаменти директори Тибет Гирай ва сотувлар департаменти директори Владимир Сильверстоун ҳозир бўлдилар.

«Боинг»ларимизнинг кўпайиши «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг жаҳон авиаташувлар бозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

■ Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ПЛЕНУМ, ЙИҒИЛИШ ВА МАЖЛИСЛАР

ХДП **Тахиатош шаҳар, Беруний ва Тўрткўл туман кенгашларининг** пленумларида «Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясидаги маърузасидан, Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Ушбу йиғилишларда партия фаоллари, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. Демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар мунозараларда кенг ўрин тутди. Пленумлар ишида Тахиатош шаҳар ҳокими М.Жумабоев, Тўрткўл туман ҳокимининг ўринбосари И.Ибодуллаев ва «Қарақалпақстан хауазы» газетаси бош муҳаррири А.Ибодуллаевлар иштирок этдилар.

Андижон вилоятидаги, партиявий интизом масаласига бағишланган, ХДП фаоллари йиғилишида вилоятдаги барча шаҳар ва туман кенгашларининг биринчи котиблари иштирок этдилар. Йиғилишда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Раҳимов ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, мазкур соҳадаги камчиликларни бартараф этиш йўллари тўғрисида тўхталиб ўтди.

ХДП **Тахтакўпир туман кенгаши** ижроия бюроси мажлисида туман санитария-эпидемиология назорати маркази бошланғич партия ташкилотининг «Мафкуравий ишларга ХДП аъзоларини жалб қилиш бўйича фаолияти ҳақида»ги масала кўриб чиқилди. Йиғилишда мазкур бошланғич партия ташкилотида ҳисобда турган 27 партия аъзоларининг ярми бу ишга жалб қилинганлиги, сиёсий-оммавий ишлар олиб бориш бўйича 3 та гуруҳ тузилганлиги, улар «Маърифат» маркази томонидан тегишли услубий ашёлар билан таъминланиб, мафкуравий ишларни кенг кўламда олиб бораётганлиги таъкидланди.

Навоий вилояти маданият бошқармаси бошланғич партия ташкилотида, ХДП МК тўртинчи пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган, очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди.

Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида ХДП Дастури ва Низоми, унинг фаолиятига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда Навоий шаҳар кенгашининг котиби Л. Собирова фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳозирги сиёсий жараёнга муносабатларини шакллантириш каби масалалар юзасидан атрофлича сўз юритди. Йиғилиш вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ХДП бошланғич партия ташкилоти тузилиши билан якунланди.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Олий Мажлис депутати Неъмат Исмоилов раҳбарлик қилаётган **«Шаҳрисабзконсерва» ҳиссадорлик жамияти** жамоаси фаолиятида, ишлаб чиқаришдаги мураффақиятлари билан бир қаторда, хайр-саховат ишлари ҳам алоҳида ажралиб туради. Чунончи, депутат саъй-ҳаракатлари билан ҳиссадорлик жамияти томонидан Мираки қўрғонида жойлашган Мурувват уйига зарур эҳтиёж моллари, Китоб туманидаги Гўдаклар уйига турли-туман болалар ўйинчоқлари ҳадя этилди.

ХДПдан сайланган депутатлар фаолияти шаҳар ва туман партия кенгашлари ижроия бюроси йиғилишларида



— Қўнғирот саноат касб-ҳунар коллежи ташкил топганига кўп бўлгани йўқ, — дейди билим маскани директори А.Ўринбоев. — Бу ерда қарийб 1300 талаба ўн уч мутахассислик бўйича касб ўрганмоқда. Айниқса, металлга ишлов бериш, пайвандлаш, электр-монтаж, нефть ва газ қудуқларини бурғулаш, тикувчилик, автотранспортга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, компьютер, дурадгорлик ҳамда бухгалтерия ва банк операциялари мутахассислигига қизиқиш катта.

Касб-ҳунар масканига Тошкент давлат техника университети билан Тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳомийлик қилмоқда. Коллеж компьютерлараро Интернет ва модем алоқаларига уланган. Ўқиш ва ҳунар ўрганиш учун шароитлар яратилган. Хусусан, 6 та лингафон, 4 та физика, 2 та кимё лабораториялари ёшлар ихтиёрида. Йигит-қизларга 70 дан ортиқ малакали ўқитувчи, 35 нафар ишлаб чиқариш устаси билим бераётир. Ёшларнинг бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ташкиллаштиришга ҳам аҳамият катта. 20 мингдан кўпроқ китоб фондига эга бўлган 40 ўринли кутубхона ҳамиша гавжум. Волейбол, баскетбол майдончалари, теннис кортларида мусобақалар ўтказилиб турилади. Коллеж ёшлари «Баркамол авлод» спорт ўйинларида 3-босқич бўйича яхши натижаларга эришдилар.

Яқинда коллежга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар кенгаши раҳбарлари ташриф буюришиб, касб-ҳунар масканида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: касб-ҳунар коллежи ҳаётидан лавҳалар
Амет ОРИПБОЕВ олган суратлар

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ҲАҚИҚАТНИНГ ҚЎЛИ УЗУН, НИГОҲИ ЗИЙРАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Шу хусусда батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз?

— Қанчалик пинҳон тутилишига уринишлар бўлса-да, қинғир иш бирибир ошкора бўлади. Масалан, «Асака» банкнинг Ангор филиали ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Термиз шаҳар бўлимларида кредит маблағларининг ажратилиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланишга қаратилган қонунларнинг ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар чоғида бу каби қаллобликлардан иборат сирлар фош этилди. Маълумки, юқорида айтганимдек, кредит олувчи субъектларнинг аниқ мақсадлари ва қарзни ўз вақтида қайтариш имкониятлари, уларнинг шахслари банк томонидан чуқур ўрганиб чиқилиши шарт. Лекин, Давлат акционерлик тижорат «Асака» банки Ангор тумани филиалининг раҳбарлари Термиз шаҳридаги «Гулазиз» хусусий фирмасининг раҳбари Н.Шариповнинг 2000 йил 2 апрелдаги мурожаатига асосан, унга 6000,0 минг сўм кредит беришган. Фирманинг айланма маблағлари, зарур ҳисоб-китоб ва маълумотлар талаб қилинмаган. Берилган маблағдан мақсадли фойдаланиш юзасидан текшириш ўтказилмаган. Оқибатда, кредит маблағи ўз вақтида банкка қайтарилмаган.

Шеробод туманидаги «Шер» хусусий фирмаси раҳбари Б.Бўриевга 2000 йил 19 апрелда берилган 3000,0 минг сўмлик кредитнинг ҳам изи суриштирилмаган. Боз устига банк раҳбарлари қарзни қайтариш муддатини қонунга зид равишда тўрт ойга узайтириб, «саховат» кўрсатишган. Ёки Термиз шаҳридаги «Асадбек» хусусий фирмасига берилган 10000,0 минг сўм, «Яна компани» кўп тармоқли хусусий фирмасига берилган 10000,0 минг сўмлик кредитлар текшириш ўтказилган кунгача қайтарилмаганлиги маълум бўлди. Банк бошқарувчиси Н.Қаландаров ва кредит бўлими бошлиғи Э.Нормўминовлар мунтазам равишда ҳужжатларни сохталаштириб, ўз мансаб вазифаларини суиистеъмол қилиб келганлар.

Улар «Кўҳитанг» масъулияти чекланган жамият сўровига ва ҳужжатларига асосан бериладиган 1000,0 минг сўм кредит маблағини сохта ҳужжатлар билан шу мижознинг розилигисиз бошқа хусусий фирмаларга бериб юборишган. Банкнинг кредит бўлими бошлиғи Э.Нормўминов эса ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, қариндоши Йўлдошев Соатга расмийлаштирилган, аслида ўзига тегишли бўлган «Хўжабулғон» масъулияти чекланган жамиятига сохта ҳужжатлар билан 1000,0 минг сўмлик кредит олган ва ҳоласи раҳбарлик қилаётган «Сурхон йўл» масъулияти чекланган жамият билан қалбаки шартнома тузиб, шу жамият орқали бошқа тўртта хусусий фирмаларга ўша 1000,0 минг сўмни бўлиб ўтказиб юборган. Шу тариқа давлат маблағи қариндош-уруғлар, таниш-билишлар ўртасида хомталаш қилинган.

«Асака» банкнинг вилоят бўлимида 2002 йилнинг 1-чорагида ўтказилган текширишларда ҳам бир қанча иқтисодий жиноятлар фош этилди. Айниқса, банк раҳбариятининг масъулиятсизлиги оқибатида фирма ва хусусий корхоналар ташкил қилиб олган турли нопок кимсаларга кредитлар суриштирилмасдан қўшқўллаб топширилаверган. Масалан, «Оқшом юлдузлари» хусусий кичик корхонаси бошлиғи Истам Шоймардонов банкдан бир йил муддатга қайтариш шарти билан олган 10000,0 минг сўмлик қарзини таниши Омонова Пардахол билан жиноятхорона тил бириктириб, «Сад Зафар» хусусий фирмаси орқали шу маблағнинг ўзлаштирилишига йўл очиб берган. Яна бир сохта тадбиркор Қамбаров Алишер хотини Қамбарова Лоланинг номига «Минал» хусусий фирмаси очиб, акционерлик «Асака» банкнинг вилоят бўлимидан олган 10000,0 минг сўмлик қарз маблағни мақсадсиз ишлатиб юборган. Устаси фаранг Қамбаров банкдаги раҳбар ходимларнинг эътиборсизлигидан, жиноятхорона қилмишидан фойдаланиб, унинг онаси «Қаҳрамон» масъулияти чекланган жамият раҳбари Абдуллаева Ҳадича номига «Асака» банкнинг собиқ Ангор филиалидан олган 10000,0 минг сўмлик кредит маблағни ҳам ўзлаштириб кетган. «Хотир» хусусий корхонасининг бошлиғи Мейлибоев Максим Чориевич ҳам қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мақсадида шу банкдан олган 10000,0 минг сўмнинг асосий қисмини ана шундай йўллар билан еб юборган.

— Умуман, бу ҳолни сиз қандай изоҳлайсиз? Қонунни тушунмаслик оқибатими ёки...

— Йўқ, бу одамлар шунчаки, саводсиз, лақма одамлар эмас. Улар кўп нарсаларга ақли етадиган, маълумотли мутахассислар, аммо ўз вазифаларига нолойиқ раҳбарлардир. Ҳамма гап шундаки, уларнинг танасидаги нафс балоси ҳуруж қилганда гўё бундай қаллобликларни ён-атрофдагилар сезмайди, демак, қонунни ҳам чалғитиш мумкин, деб ўйлашади. Аммо улар билмайдиларки, ҳақиқатнинг қўли узун, нигоҳи ўткирдир. Шунинг учун ҳам бундай жиноятлар фақат «Асака» банкда эмас, бошқа банк тизимида ҳам борлиги фош этилмоқда.

— Шу банкларнинг қаллобликка қўл урган раҳбар-ходимлари ва кредит маблағларидан ноқонуний фойдаланган сохта «тадбиркор»ларга қандай чоралар кўрилди?

— Албатта, «Асака» банкнинг собиқ Ангор филиали бошқарувчиси Н.Қаландаров ва кредит бўлими бошлиғи Э.Нормўминовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли бандлари билан жиноий иш қўзғатилган. Бирники мингга, мингники туманга деганларидек, уларнинг касофати туфайли «Асака» банкнинг Ангор филиали инқирозга юз тутди, банкрот деб эътироф этилиб, тугатилди.

Олган кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланган, қайтариш муддатини ўтказиб юбориб, шартнома талабларини бузган, чинакам тадбиркор, ишбилармонлар шаънига доғ туширган юқорида номлари зикр этилган кимсалар ҳам қонун олдида жавоб беришмоқда. Шу тариқа вилоят прокуратурасининг аралашуви билан қайтариш муддати ўтказиб юборилган кредит маблағларининг 36 миллион сўмидан ошиқроғи ундириб олинди. Кредит маблағларни қайтариш бўйича шартнома талабларини бузган 42 та кичик ва ўрта бизнес субъектларидан жами 187,5 миллион сўм ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилган ва бошқа зарур қонуний чоралар қўлланилди.

Мамлакатимизда ишбилармон, тадбиркор ва бизнесменларнинг фаоллашувига катта имкониятлар яратилмоқда. Бундай шароитда эса банк ҳам, мижоз ҳам халол иш юритиши, қонун талабларини баравар ва чуқур ҳис қилмоғи шарт.

■ Суҳбатдош: Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

UZBEKISTAN airways

ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ

ЁЗГИ ЖАДВАЛ - 2002!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Ҳаво алоқалари Бош агентлиги ёзги жадвал бўйича авиачипталар сотувини бошлади, ёзги жадвалда кўпгина йўналишлар, шу жумладан

ТОШКЕНТ — НАВОИЙ — ТОШКЕНТ

йўналиши бўйича қатновлар сони оширилди.

22 апрелдан бошлаб HY-1601/1602 қатнови ҳар куни «Як-40» да қуйидаги жадвал бўйича бажарилади:

Тошкентдан учиш вақти — 07-30
Навоийга қўниш вақти — 09-10
Навоийдан учиш вақти — 09-05
Тошкентга қўниш вақти — 11-10

Авиачипталар сотуви манзилгоҳлари: Тошкент шаҳри, У.Носир кўчаси, 9-уй, шунингдек Ҳаво алоқалари Бош агентлигининг барча филиаллари. Маълумотнома хизмати телефони: 066. Авиачипталарни етказиб бериш хизмати телефони: 152-27-90 (пенсионерлар учун бепул)

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» — ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҚУЛАЙЛИК, АВИАТАШУВЛАР ВА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА МАҚБУЛ ТАРИФЛАР

«BEKTEMIR TEMIR-BETON MAHSULOTLARI»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси

Корхонанинг 2001 йилдаги молия-хўжалик фаолияти натижалари:
Бухгалтерия баланси:

Актив:
— узоқ муддатли активлар — 60813 минг сўм;
— оборот активлари — 56032 минг сўм;
Жами баланснинг активи — 116845 минг сўм.

Пассив:
— ўзлик манбаларининг маблағлари — 82140 минг сўм;
— мажбуриятлар — 34705 минг сўм;
Жами Баланснинг пассиви — 116845 минг сўм

Молиявий натижалар бўйича ҳисобот:
— Маҳсулот сотишдан тушган тушум — 321601 минг сўм;
— қўшимча қиймат солиғи — 56258 минг сўм;
— сотишдан тушган соф тушум — 265343 минг сўм;
— сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи — 219161 минг сўм;
— сотишдан тушган ялпи молиявий натижа — 46182 минг сўм;
— маъмурий ҳаражатлар — 23846 минг сўм;
— бошқа тўланган ва олинган фоизлар — 26,8/8821,0 минг сўм;
— валюта курси фарқи — 31,8 минг сўм;
— молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва ҳаражатлар — 17372/12684 минг сўм;
— солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа — 5800 минг сўм;
— фойда даромаддан олинган солиқ — 5431 минг сўм;
— бошқа солиқ ва ажратмалар — 237 минг сўм;
Ҳисобот давридаги соф фойда — 132 минг сўм.

Корхонанинг 2001 йилдаги молия-хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2001 йил февраль ойида берилган 00008 рақамли лицензияли «Ёрдам-Аудиттранзит» аудиторлик фирмаси томонидан текширувдан ўтказилган.

мунтазам муҳокама этилмоқда. ХДП Бўстонлиқ туман кенгаши ижроия бюроси халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгаши депутати, Қўшқўрғон ширкат хўжалиги раиси Абдуқаҳҳор Юнусовнинг ўз сайловчилари билан олиб бораётган ишларини таҳлил қилиб, шундай хулосага келди: депутат бошланғич партия ташкилоти билан сайловчиларни истак-талабларини бажаришда ҳамкорлик қилиб келмоқда. У ўз ишида асосий эътиборни кам таъминланган оилаларга қаратган. Қарияларни қадрлаш йилида депутат ташаббуси билан ширкат хўжалигида ишлаб кетган меҳнат фахрийлари иштирокидаги учрашув ўтказилди. 20 нафар кексаларга совғалар топширилди, аризалар билан мурожаат қилган 300 дан зиёд фуқароларга имконият борича амалий ёрдам кўрсатди.

ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

ХДП **Меҳнатобод туман кенгаши**, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида, «Маънавият ва ёшлар» мавзуида, учрашув ўтказди. Унда фуқаролар йиғинлари раислари, ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари котиблари, депутатлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, хотин-қизлар кенгашлари раислари иштирок этдилар. Тадбирда миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш, баркамол авлодни тарбиялаш масалалари борасида туман партия кенгаши ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлари ҳақида сўз юритилди. Тадбирда Меҳнатобод туман ҳокими Собиржон Назаров иштирок этди.

ХДП **Қашқадарё вилоят кенгаши** ҳузурида ташкил этилган «Истиқбол» ёшлар клубининг йиғилишида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида Президент И. А. Каримовнинг «Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди» мавзуидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Кун тартибидаги масала бўйича Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов сўзга чиқиб, сессияда кўрилган масалалар, ҳуқуқий демократик жамиятни шакллантирилишида сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни тўғрисида сўзлади. Тадбирда референдум якунлари, икки палатали парламент тўғрисидаги ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

ХДП **Чуст туман кенгаши,** туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда, туман қурилиш коллежи талабалари ўртасида, «Кексаларнинг маънавий тажрибалари» мавзуида, 25 нафар меҳнат фахрийси бўлган турли касб эгалари иштирокида мулоқот ўтказди. Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган бу тадбир талаба-ёшлар тайёрлаган бадиий чиқишлар билан якунланди.

Ўзбекистон ХДП **Сирдарё вилоят кенгаши,** республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлинмалари билан ҳамкорликда, Оқ олтин туманидаги С. Сиддиков ширкатлар уюшмаси ва саноат касб-ҳунар коллежида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган учрашувлар ўтказди.

«Комил инсонни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ўрни», «Ватан маҳалладан бошланади», «Юксак маънавият — келажак пойдевори» мавзуларидаги суҳбатлар учрашув иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ш. Рашидов туман ҳокимлигида ўтказилган ана шундай учрашувда туман ҳокими Аҳадқул Примқулов иштирок этди ва ёш авлодни маънавий юксалтиришда давлат идоралари, жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги тўғрисида сўз юритди.

ХДП **Юнусобод туман кенгаши** ўзининг маданий-маърифий тадбирларини, одатда, «Ўзбекрақс» Миллий рақс бирлашмасининг «Лазги» гуруҳи билан ҳамкорликда ўтказади. Яқинда шундай маданий-маърифий тадбирлардан бири «Туркистон» маҳалласи партия фаоллари иштирокида бўлиб ўтди.

МУЛОҲАЗА

РЕКЛАМАДА ҲАМ ОДОБ БОР

Бугунги кунда газета ўқийсизми, телевизор кўрасизми, радио эшитасизми, шаҳар айланасизми, хуллас, ҳар бир қадамда рекламага дуч келасиз.

Кундалик ҳаётимизга бу қадар сингиб кетган ушбу ҳолатни иқтисодий ривожланган давлатлар шароитига солиштирганда, анча фарқ сезилади. Тадқиқотларга қараганда, АҚШ фуқаролари бир кунда 2000 дан зиёдроқ рекламани кўриш ёки эшитишга «мажбур» бўлар экан ва хоҳлайдими-йўқми, шулардан 80 таси ёдда сақланиб қолар экан.

Хўш, реклама ўзи нима? Унга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Бирон-бир маҳсулотга харидорнинг эътиборини, хатти- ҳаракатини жалб этишга қаратилган, айни пайтда ана шу маҳсулотни сотиб олишга «мажбур қилувчи» даъватдир. Биз реклама деганда кўпроқ маҳсулотни тарғиб қилишни тушунамиз. Аммо унинг турлича кўринишлари мавжуд. Ривожланган мамлакатлар, хусусан Европа ва Америка давлатларида сиёсий рекламалар ҳам кенг тарқалган. Сиёсий реклама деганда бирор-бир ғояни ёки шахснинг сайловолди дастурини реклама қилиш тушунилади. Бу жамиятда сиёсий партиялар ўртасида бўладиган курашларнинг кескин тус олишини таъминлайди. Олға сурилаётган ғояларнинг бир-биридан фарқи, аҳамияти ҳақида тасаввур беради. Тўғри, бундай рекламалар тезда унутиб юборилса-да, инсон тафаккурига таъсир этиб, уларни муҳим ижтимоий қарорларни ёқлаб овоз беришга, тезроқ бир фикрга келишга ундайди.

ХХ асрда бошқа соҳалар каби реклама бизнеси ҳам ўз шаклини топиб, мукаммалашиб борди. 1920 йилдан реклама билан шуғулланувчилар психология фани ютуқларини амалда қўллай бошладилар. Хусусан, Зигмунд Фрейд таълимоти реклама бизнесини янги босқичга олиб чиқди. Сабаби, инсоннинг маълум бир хатти-ҳаракатини келтириб чиқарувчи омилларни, фикрлаш жараёнини ўрганиш бу таълимотда ўз тасдиғини топган эди.

1940-50 йилларга келиб реклама бизнеси самарадорлигини ошириш йўлида фаннинг янги тажрибаларидан оқилона фойдалана бошланди. Кейинроқ реклама соҳиблари инсоннинг у ёки бу қарорга келишида, уларни маҳсулот сотиб олишга «мажбур қилиш»да социологик ва демографик билимларнинг нақадар зарур эканлигини англаб етдилар.

Агар тарихга эътибор қиладиган бўлсак, 1920-йиллар охири, 30-йиллар бошида дунё иқтисодий инқирозга дуч келди. Бунинг асосий сабаби баъзи давлатларда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши ва талабнинг мутлақо ўрганилмаганлигидир.

Бугунга келиб, иқтисодий ривожланган давлатлар янги бозорларни ўзлаштириш, рақобат майдонидан ўз рақибини сиқиб чиқаришда рекламалардан кенг фойдаланмоқда.

Дунё ёзувчиларидан бири «ХХ асрга келиб қизлардаги уят қаёққа йўқолди?» дея ҳайратланиб савол берган эди. Унга жамиятдаги ижтимоийлашув, бир халқ маданиятининг бошқа бир халққа таъсири, дея жавоб беришганди. Ваҳоланки, ярим-ялангоч кўринишдаги кийимлар ҳеч бир халқнинг миллий хусусиятига бориб тақалмайди. Бундай кийимларнинг модага айланишида рекламанинг роли «беқиёс» эканлигини билсак, ҳақиқатни англагандай бўламиз.

Реклама ҳар қанча иқтисодий наф бермасин, барибир унинг салбий томонларига ҳам эътибор беришга тўғри келади. Баъзан ОАВда эълон қилинаётган «маҳсулотлар тарғибини» ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Бу «маҳсулот» нима эканлигини айтишнинг умуман ҳожати йўқ. Шундай экан, реклама бозорида ҳам маданиятга эътибор берилса, фойдадан холи бўлмасди. Ҳозирда рекламалар хусусида кўпчилик танқидчилар ўзларининг кескин фикрларини билдирмоқдалар. Уларнинг таъкидлашларича, реклама жамиятда истеъмолчилик қадриятларини ошириб, инсоннинг қадри топталишига олиб келаркан. Яъни, инсон қадри меҳр-оқибат, инсоний ҳислар орқали эмас, балки энг сўнгги модадаги маҳсулотни сотиб олишига қараб баҳоланишига ўргатиб қўяркан.

Шу маънода реклама берувчи ва реклама тарқатувчи ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунидаги чекловларга яхшироқ эътибор берсалар, бу каби салбий ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди.

Шу ўринда яна бир гап. «Реклама тўғриси»даги қонуннинг 20-моддасида ташқи рекламалар ҳақида батафсил тўхтаб ўтилган. Аммо шаҳримиз кўчаларидаги бекатларга, ёритгичларнинг устунларига, пиёдалар ўтадиган кўринарли жойларга палапартиш ёпиштириб ташланган шахсий эълонлар Қонун талабларига зид эканлигини ҳеч ким ўйламаяпти. Ҳолбуки, бу эълонлар шаҳримиз озодалиги ва чиройига ҳам ёмон таъсир кўрсатаяпти.

■ **Юнус БЎРОНОВ**

ТЕЖАМКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

АГАР ХУЛОСА ЧИҚАРИЛМАСА...

ЁКИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲВОЛИ ҲАҚИДА

Навоий вилояти кенглиги, яйловларининг кўплиги жиҳатидан республикада етакчи ўринни эгаллайди. Тоғли, тоғолди лалми ерлар ҳам мазкур вилоятда анчагина. Вилоят умумий майдонининг учдан икки қисмини чўл ва ярим чўллар ташкил этади. Маликчўл, Ўртачўл, Нуротачўл қақроқ даштлари ана шулар жумласидан. Деҳқончилик ерлари, суғориладиган майдонлар нисбатан кам, бор-йўғи 131 минг 470 гектар. Шунча майдонни оби-тобида суғориш ва ҳосил олиш учун 1 миллиард 296 миллион кубометр сув керак. Амалда эса ана шу сувнинг 75-82 фоизи олинаяпти, холос. Ўтган қишлоқ хўжалик йилида вилоятда давлатга дон сотиш режаси ошириб бажарилган бўлса-да, пахта тайёрлаш ва сотиш шартномавий режаси бажарилмади. 115 минг тонна ўрнига 110 минг 391 тонна пахта тайёрланди ва йиллик режа 96 фоизни ташкил этди. Қизилтепа, Хатирчи каби туманларда режадаги натижаларга эришилмади.

Мутахассис ва тажрибали деҳқонларнинг фикрича, сув етишмаслиги сабабли кўнгилдаги ҳосил олинмади. Ўтган йили вилоят бўйича сув билан таъминланиш 82 фоиз атрофида қолиб кетди. Агар мўлжалдаги сув олинганда қўшимча қарийб 9 минг гектар майдондаги экинларга оби-ҳаёт етиб борарди.

Вилоятда сув етишмаётганининг сабаби нимада? Албатта, кўп нарса қишнинг қандай келишига боғлиқ. Аммо, ҳамма айбни табиатга, об-ҳавога тўнкаш ҳам адолатдан эмас. Сувни беҳуда нобуд қилмай ундан тежамкорлик билан фойдаланиш бу ерда кўнгилдагидек эмас. Масалан, ўтган йил айни гўза парвариши даврида Хатирчи туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалиги бош мироби Усмон Мирзаевга, Қизилтепа туманидаги «Тошработ» ширкат хўжалиги етакчи мироби Наим Жалиловга сувдан қониқарсиз фойдаланганлиги учун жарима солинган. Шунингдек, сув сарфини аниқ маромда назорат қилмагани учун Навоий туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси назоратчиси Юнус Ражабов, Навбаҳор туман қишлоқ ва сув хўжалиги назоратчиси Шамси Равшанов жаримага тортилган. Сувдан қониқарсиз фойдаланиш ҳолатлари фермерлар орасида ҳам учрайди. Хусусан, Хатирчи туманидаги Р. Эрназаров номли фермер хўжалиги раиси Шамсиддин Барноев ҳам бепарволиги боис жарима тўлашга мажбур бўлди.

Жарима, жазо энг охирги заурат. Лекин деҳқонларда, хўжалик раҳбарларида сувни қадрлаш, уни чинакамига зардай билиш масъулиятини кучайтириш учун нима қилиняпти? Ҳамма жойда ҳам сувнинг аниқ ҳисоб-китоби йўлга қўйилганми? Жарима билан исроф кетган сувни ортига қайтариб бўлмайди.

Яна бир гап: сув иншоотлари бошқармаларида ишлашга малакали мутахассис кадрларни танлашга юзаки муносабатда бўлинмоқда. Кейинги 4 йилда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг сув масалалари бўйича муовини тўрт маротаба алмаштирилган.

Яна бир ачинарли ҳолат — каналлар, коллектор ва дренажлар етишмайди. 15,9 километр ҳажмдаги «Навкар» каналининг қурилиши 1988 йили бошланган эди. 14 йил ўтибдики, қурилиши ҳамон ичакдек чўзилиб ётибди. Ваҳоланки, каналнинг 14,6 километри битказилган. Навбаҳор тўғонидан сув оладиган бу каналнинг қолган озгина қисмининг битиши қийин кечмоқда.

Ҳадемай ёз келади, сувнинг ҳар томчиси зарга айланади. Режалар, мўл ҳосил, даромад тақдири сувга боғлиқ бўлади. Агар ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликлардан хулоса чиқарилмаса, зарур чора-тадбир кўрилмаса, яна минглаб гектар ерлар сувсиз қолади.

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири



Қарши шаҳрида бир ҳунарманд бор. У ёғочдан ясаган уй-рўзғор буюмлари, стол-стуллар, мусиқа асбоблари, шахмат тахтаси ва доналари кўпчилик диққатини тортмоқда. Шариф Арабовнинг асли касби ўқитувчи. У ёшларга таълим бериш билан бирга халқ ҳунармадчилиги билан ҳам шуғулланиб келмоқда.

— Мен ҳар доим яхши ният ва жиддий эътибор билан ишга киришаман — дейди ҳунарманд. — Бу ишда шошқалоқлик кетмайди. Мана бу шахмат доналарини кўринг. Буларнинг ҳар бирига баъзан ҳафта-ўн кунлаб вақт сарфлаганман.

Шариф ака чет эл кўргазмаларида ҳам ўзи яратган маҳсулотлар билан қатнашишни ният қилиб қўйган.

Суратларда: ҳунарманд Ш. Арабов қизи Шаҳноза билан; уста ижодидан намуналар.

■ **Абдурасул ПАРДА олган суратлар**

ГАЗ ЎЛЧАГИЧ МАЪҚУЛ ЭКАН

ДЕЙИШМОҚДА АНДИЖОНЛИКЛАР



Табиий газ қулай ва арзон ёнилғи бўлгани учун турмуш тарзимиздан кенг ўрин олди.

Бор гапни айтган яхши. Андижон вилояти ҳокимлиги ҳаракати билан Бўстон газ тақсимлаш шаҳобчасининг ишга туширилиши ва айланма газ тармоғи қурилиши кўпчиликни қувонтирди. Шаҳарнинг Бўстон даҳасида, Андижон ва Олтинкўл туманларида табиий газ таъминоти анча яхшиланди. Марҳамат туман газ тақсимлаш шаҳобчаси ҳам фойдаланишга тахт.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида газдан қонунсиз фойдаланиш ва уни ўғирлаш ҳоллари кўплаб учраб турганлигини танқид қилиб, Андижон вилоятида газ билан ишлатиладиган 1450 та ноқонуний теплица борлигини тилга олгандилар. «Андижонгазтаъминот» мутасаддилари танқиддан тўғри хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирларини белгилаб олишди.

Ҳокимликда тузилган ишчи гуруҳи жами 1939 та иссиқхонани рўйхатга олди. 561 та хонадондаги иссиқхоналарда табиий газдан қонунга хилоф равишда фойдаланилгани аниқланиб, далолатномалар тузилди. 245 та иссиқхона соҳиби судга, 586 нафар кишига оид ҳужжатлар прокуратурага берилди.

2002 йил биринчи чорагида Андижон вилоятида 315295 хонадон газлаштирилган. Шулардан 15219 тадан зиёдига ҳисоблаш ускунаси ўрнатилган. Бу 5 фоизни ташкил этади. Демак, бу борадаги ишлар ҳали талаб даражасида эмас.

— Хонадонларни газ ўлчагич ускуналари билан таъминлаш долзарб вазифа, — дейди «Андижонгазтаъминот» вилоят шўъба корхонасининг бош муҳандиси Исроилжон Набижонов. — Газ ўлчагич ускуналари таъминоти муаммоси ҳукумат даражасида ҳал этилиши ишимиз ривожига умид уйғотади, албатта. Айниқса, газ ўлчагич ускуналари харажати учун кредит маблағлари бериш амалга ошса, муаммонинг ечими янада тезлашади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2002-2004 йилларда уйжой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларда дастуриламал бўлмоғи лозим. Бунинг учун аҳоли ўртасида газ ўлчагичларнинг аҳамияти ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, вилоят бўйича газлаштирилган барча хонадонларга газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатиш, йил давомида 300-350 млн. кубметр 3 табиий газни тежашга олиб келади. Иқтисод қилинган газ эса вилоят аҳолисига яна 1,5 ой мобайнида меъёрий газдан фойдаланиш имконини яратади.

— Газ ҳисоблаш ускунасининг ўрнатилиши рўзғоримизга барака киритяпти, — дейди Андижон шаҳар «Янги замон» кўчаси 2-уйда яшовчи меҳнат фахрийси Муҳиддин ота Насирдинов. — Қолаверса, бу бошқа хонадонларда ҳам газ меъёрдаги даражада бўлишига олиб келмоқда.

Андижон шаҳри, Ўзбекистон 1-тор кўчасида яшовчи Д.Маликов газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилгач, унинг самарасини амалда кўрди. У авваллари 1 йилга 20030 сўм тўларди, энди эса табиий газ учун 12352 сўм тўлади. Фуқаро С.Асқаров газ ҳисоблаш ускунасини ўрнатмаганида 8369 сўм эмас, белгиланган меъёрга кўра 25997 сўм тўлашига тўғри келарди. Андижон тумани Обод кўча, 20-уй соҳиби К.Солиев белгиланган меъёр асосида икки йилда 17800 сўм тўларди. Газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатгани учун харажати 7 минг сўмга камайди. Шу ерлик Ф.Ботиров меъёр асосида 40800 сўм тўлаши ўрнига фойдаланган табиий газ учун 13491 сўм тўлаб, газ ҳисоблагич ускунасини ўрнатгандан кўнгли тўқ бўлиб турибди.

Ҳақиқатдан ҳам газ ҳисоблагич ускуналарини ўрнатиш аҳолининг маблағини тежаб, газ таъминотини меъёр даражасига келтириш омили экан. Нима бўлгандаям қарс икки қўлдан чиққани яхши.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲИММАТ

ҚУРБОН ОТАНИНГ МАЪРИФАТ УЙИ

Зангиота туманида яшовчи Қурбон ота Юсуповнинг нафақага чиққанига 14 йил бўлди, ҳозир ёши 75 да. Айни қарилик гаштини сурадиган пайти. Лекин у кишини гоҳ ҳокимият идораси ёнида, гоҳ қишлоқ оқсоқоллари орасида кўрасиз.

— Манави бино 50-йилларда қурилган, — дейди отахон қўлидаги суратни кўрсатиб. — 1995 йилгача озиқ-овқат дўкони эди. Кейин қаровсиз қолди. Дўкон эса бошқа жойга кўчирилди, иморатдан ҳеч ким фойдаланмади. Шуни сотиб олиб, қишлоғимизнинг «Маънавият ва маърифат уйи»ни ташкил этишга қарор қилдим. Ҳозир таъмирлаш ишлари охирига етай, — деб қолди.

Қурбон отанинг ғайрат-шижоатини кўрган туман мутасаддилари ҳам қараб ўтиришмади: Ўртаовул кўрғонидаги қаровсиз қолган ўша дўкон биносини отага расмийлаштириб беришди. Бино таъмири тугагач, уни жиҳозлашга ёрдамлашадиган бўлишди.

— Учта хона ташкил қиляпман, — дейди ота. — Бирида ёшлар ўзаро мулоқотлар ўтказади, газета-журналлар ўқишади. Иккинчиси эса қариялар учун суҳбатхона бўлади. Яна биридан фуқаролар билан тарбиявий суҳбатлар олиб бориладиган хона сифатида фойдаланамиз.

— Бундан сизга манфаат борми? — ҳазиллашдим отахон билан.

— Манфаат эмас, савобидан умидворман. Ҳамқишлоқларимга озгина нафим тегса дейман. Ёшларимиз тарбиясига хизмат қилса бўлди, мақсадим шу. 55 йил меҳнат қилдим. Ўқувчиларга таълим-тарбия бердим. Гоҳида оёқни узатиб, дам олиб ётсангиз бўлмайдими, дейишади. Лекин ҳозир шундай катта ишлар амалга оширилаётган даврда бир четда жим турсак бўлмас...

Отахоннинг сўзидан донолардан бирининг гапи ёдга тушади: «Етти ёшидан етмиш ёшигача яратаман, яшнатаман деган миллатнинг келажаги, албатта, буюк бўлади».

■ **Юнус ЗИЁДОВ,**
Тошкент вилояти.

ОАО «ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ»

НА ОСНОВАНИИ РЕШЕНИЯ НАБЛЮДАТЕЛЬНОГО СОВЕТА 29 МАЯ 2002 ГОДА В 15.00 СОСТОИТСЯ ГОДОВОЕ ОБЩЕЕ СОБРАНИЕ АКЦИОНЕРОВ ОАО «ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ»

Повестка дня:

1. Отчет исполнительного органа о финансово-хозяйственной деятельности за 2001 год ОАО «Ўзбекистон Шампани» и основные направления развития ОАО «Ўзбекистон Шампани» на 2002 год.
2. Утверждение годового отчета и бухгалтерского баланса за 2001 год.
3. Утверждение отчета ревизионной комиссии.
4. Утверждение заключения аудитора.
5. Утверждение размера годовых дивидендов и порядка их выплат.
6. Утверждение аудитора ОАО «Ўзбекистон Шампани» на 2002 год.
7. Утверждение годового отчета 2ЦБ по ценным бумагам.
8. Утверждение размера месячной заработной платы (вознаграждение) государственному поверенному.
9. Перевыборы в Наблюдательный Совет ОАО «Ўзбекистон Шампани».
10. Перевыборы в исполнительный орган ОАО «Ўзбекистон Шампани».
11. Перевыборы в ревизионную комиссию ОАО «Ўзбекистон Шампани».

Адрес: 700007, г. Ташкент, ул. Султонали Машхадий, 186. Клуб ОАО «Ўзбекистон Шампани», тел. 169-78-23, 169-34-40.

ОТЧЕТ ФИНАНСОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОАО «ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ» ЗА 2001 ГОД

I. Бухгалтерский баланс		
№	Наименование показателей	Значение показателей (тыс. сум)
1	Долгосрочные активы	168228,0
2	Оборотные активы	450473,0
	Баланс	618701,0
3	Источники собственных и заемных средств	
	В том числе:	
	Уставный капитал	169057,0
	Обязательства	393481,0
	Баланс	618701,0
II. Отчет о финансовых результатах		
1	Финансовый результат (прибыль или убыток от общехозяйственной деятельности)	65059,0
2	Чистая прибыль за отчетный год	5835,0
III. Справка о финансовой деятельности и величине чистых активов		
1	Количество акций, выпущенных ОАО (шт.)	169057
2	Номинальная стоимость	1000
3	Стоимость чистых активов на текущую дату	168228,0

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

СЕНЕКА — ҚАДИМГИ РИМЛИК ФАЙЛАСУФ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 4-ЙИЛ АТРОФИДА ТУҒИЛИБ, МИЛОДИЙ 65-ЙИЛДА ВАФОТ ЭТГАН:

➲ Фалсафа муҳокама қилишни эмас, балки, бажаришни ўргатади. У ҳар бир кишининг унинг қонунларига биноан яшашини, ҳаётнинг сўздан айрича бўлмаслигини талаб қилади, у ҳулқдаги олачипорликка, номувофиқликка тоқат қила олмайди.
➲ Фалсафа бир вақтнинг ўзида ҳам шифобахш, ҳам ёқимлидир.
➲ Менинг ҳаётим таълимотимга номувофиқ эканлигини менга айтадилар. Платонни ҳам, Эпикурни ҳам, Зенонни ҳам ўз вақтида шунда айблаганлар. Барча файласуфлар ўзлари қандай яшаётганлари ҳақида эмас, балки, қандай яшаш лозимлиги тўғрисида гапирадилар. Мен ўз ҳақимда эмас, балки, яхши фазилатлар тўғрисида гапирмоқдаман ва барчадаги, жумладан ўзимдаги, нуқсонлар билан курашмоқдаман: иложини қилишим биланоқ, қандай лозим бўлса, шундай яшайман...
➲ Руҳ қуллигидан шармандалироқ қуллик йўқ.
➲ Ақл — илоҳий руҳнинг инсонлар танасига чўккан қисмидан ўзга нарса эмас.
➲ Одамлар орасида буюк қудратга эришганларнинг барчаси тушунсинларки, ҳатто Юпитернинг чақмоқлари бемаслаҳат юборилмайдилар: улар маслаҳатчиларни чақирсинлар, кўпчиликнинг фикрини мулоҳаза қилиб кўрсинлар, киритилган таклифларни чамаласинлар ва ажал зарбасини бериш учун ҳатто Юпитерга ҳам унинг ўзининг қарори етарли эмаслигини назарда тутсинлар.
➲Сен илоҳийлик ва инсонийликни ўз ичига олганини кўраётган барча нарсалар — муштарак: биз — каттакон тананинг аъзоларимиз, холос. Бизни айни бир нарсадан яратган ва бизга бир хил қисматни белгилаган табиат — бизни биродарлар қилиб туққан.
➲ Жон, бу — инсон танасида бошпана топган Худо.
➲ **Ҳақиқатнинг** кўпчиликка тушунарли бўлиши учун инсоният тараққиёти ҳали унчалик барқ урган ҳолатда эмас. Оломоннинг маъқуллаши — батамом номақбулликнинг исботидир.
➲ Табиат бизни киришда ҳам, чиқишда ҳам тинтув қилади. Яланғоч келиб, яланғоч кетамиз. Бу ердан олиб келганингдан-да кўпроқ нарсани олиб кета олмайсан.
➲ ...Ахир, улар қуллар-ку? Ҳа, улар қулликда сенинг ўртоқларинг, агар ўйлаб кўрсанг, улар ҳам, биз ҳам тақдирнинг ҳукми остидамиз.
➲ Менга айтадилар: ахир, улар қуллар-ку. Ҳа, аммо, мана бу қул озод руҳга эга. Қани, менга кўрсатингчи, ким у ёки бу маънода қулликда эмас? Мана бу — шаҳвоний ҳирснинг, анави очкўзликнинг, манави — нафсониятнинг қули.
➲ Ҳаётнинг биринчи соати умрни бир соатга камайтирди.
➲ Тубида руҳ комиллиги ётган хотиржамликкина чинакамдир.
➲ Аскарларнинг итоатгўйлиги ёмонлашганини сезган буюк саркардалар уларни меҳнат билан тинчлантирадилар ва юришлар ила жиловда ушлайдилар. Ким машғул бўлса, унинг шумликка вақти бўлмайди ва, киссадан ҳисса шуки, иш бекорчилик туғдирадиган нуқсонларга барҳам беради.
➲ Агар менга қулоқ солишни хоҳласанг, бир нарса ҳақида ўйла, яъни бир нарсага ҳозирлик кўр: ўлимни қаршила, вазият буни тақозо этганда эса уни яқинлаштиргин ҳам. Ахир, унинг бизга келиши ёки бизнинг унга боришимизнинг фарқи йўқ-ку.
➲ Ўлим бизнинг измимизда экан, биз ҳеч кимнинг измида эмасмиз.
➲ Жасорат хатарларни қўмсайди.
➲ Бизга ҳаётни берган дақиқа уни қисқартирди.
➲ Доимо иккиланишга қараганда, бир маротаба йиқилишни афзал кўрмаган киши йўқ.
➲ Ким ўзига дўст бўлса, у ҳаммага ҳам дўст.
➲ Шошқалоқлик — ўзи ўзига тўсиқ.
➲ Кўрилган тушни айтиб бериш учун уйғонмоқ лозим.
➲ Кам нарса билан қаноатланадиган ошқозон жуда кўп нарсалардан қутултиради.
➲ Ҳар қандай лаззат хавфни кучайтиради.
➲ Яхши иш учун унинг амалга ошиши мукофот бўлиб хизмат қилади.
➲ Одамларнинг ўзлари қуллик қисматига ёпишиб оладилар.
➲ Ўлимнинг аломатлари унинг ўзидан-да кўпроқ кўрқитади.
➲ Ёшликдан ўқимоқ, кексаликда — билимлардан ҳузур қилмоқ лозим.
➲ Ҳеч нимани ўрганмагандан кўра, ортиқчароқ ўрганган яхши.
➲ Ўргатаётиб, ўрганаман.
➲ Хафагарчиликдан қутулишнинг яхши воситаси — кечириш.
➲ Цезарга кўп нарсалар айни шунинг учун ҳам мумкин эмаски, унга ҳамма нарсага ижозат бор.
➲ Тилингдан кўра, кўпроқ қулоқларингдан фойдалан.
➲ Одам одам учун — муқаддас.
➲ Бошқаларга ниманидир айтишдан олдин, буни ўзингга айт.
➲ Агар ҳамманинг устидан ҳукмронлик қилишни хоҳласанг, ўзингнинг устингдан ҳукмронликни ақлга бер.
➲ Яшаш — курашмоқ демакдир.
➲ Буюк тақдир — буюк қулликдир.
➲ Бизнинг ҳар биримиз бошқа учун буюк томошагоҳдир.
➲ Бойликка энг қисқа йўл — бойликка нафрат орқалидир.
➲ Ҳамма тўғри яшаётганлиги ҳақида эмас, балки, узоқ яшармиканлиги тўғрисида ғам ейди; ваҳоланки, тўғри яшаш, бу — ҳамманинг қўлидан келадиган иш, узоқ яшаш — ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.
➲ Биз ўз устимиздан айни бир ҳукмни чиқармоғимиз керак: ёмонмиз, ёмон бўлганмиз ва ёмон бўламиз.
➲ Доно киши, уни бойлик ўраб олгандагина, ҳамма нарсадан кўпроқ камбағаллик тўғрисида ўйлайди.
➲ Баъзи ишларнинг улуғворлиги уларнинг ўлчамида эмас, балки, уларнинг нақадар ўз вақтидалигидадир.
➲ Бегона халқлар устидан ҳукмронлик мустаҳкам бўлмайди.
➲ Ақл заиф бўлиб қолган жойда, кўпроқ вақт ёрдам берган.
➲ Агар кейинги ўсиш бўлмаса, демак, завол яқин.
➲ Агар ҳеч нарсадан қўрқишни истамасангиз, ёдда тутингки, қатъиян ҳамма нарсадан қўрқмоқ лозим.
➲ Олтин жилов қирчанғини йўрға қилиб қўймайди.
➲ Ёмон ҳосилдан кейин ҳам экмоқ керак.
➲ Кўплар кимдан қўрқсалар, у ҳам кўплардан қўрқади.
➲ Ким нафратдан ортиқча қўрқса, бошқаришни уддалай олмайди.
➲ Биз кўп нарсаларга бунинг қийин эканлиги учун журъат этолмаймиз эмас; бу шунинг учун ҳам қийинки, биз унга журъат этолмаймиз.
➲ Айрим битилмаган қонунлар барча битилганлардан қучлироқдирлар.
➲ Бахт ҳеч қачон инсонни шунчалик юксакликка қўймаганки, токи, у бошқа одамларга муҳтожлик сезмасин.
➲ Буюк одамлар ҳақидаги хотира, биз учун, уларнинг жонли иштирокига қараганда, кам аҳамиятли эмас.
➲ Бемаъни одамларнинг танбеҳи — мақтовнинг ўзгинаси.
➲ Нуқсонлар устозларсиз ҳам ўзлаштириладилар.
➲ Ичкиликбозлик, бу — ихтиёрий ақлдан озиш.
➲ Ўлимдан сўнг ҳамма нарса тўхтайди, ҳатто, ўлимнинг ўзи ҳам.
➲ Ўлимигача ўзини билмаган, ҳаммага танилган, киши учун ўлим даҳшатлидир, оғирдир.
➲ Ватанни унинг улканлиги боис эмас, балки, ўзлариники эканлиги учун севадилар.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**

СПОРТ

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»НИНГ КЕЛАЖАГИ БОР

Уч йилдирки, республикамизда «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан футбол бўйича маҳалла болалари ўртасида «Футболимиз келажаги» кубоги анъанавий турнир ўтказиб келинмоқда. Ҳар йили мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил даврида уюштириладиган мазкур мусобақани нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналари, айниқса маҳалла фаоллари ҳақиқий футбол мавсуми сифатида қаршилашаётир.

Бу турнирнинг аҳамиятга молик томони, ёзги таътил давомида болаларнинг спорт мусобақалари билан банд бўлиб уларнинг ёзда назоратсиз, бекор қолишларининг ҳамда шунинг оқибатида келиб чиқадиган кўнгилсизликларнинг олди олинятпи. Бундан ташқари, маҳалла болалари орасида футбол янада оммалашмоқда.

Кеча «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви мажлислар залида «Футболимиз келажаги» Кубоги турнирининг ташкилий қўмита йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2002 йилда бўладиган мусобақани ўтказишнинг ташкилий масалалари кўриб чиқилди ва турнир Низоми тасдиқланди.

КУБОК СОҲИБИ

Наманган вилоятида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг нашри «Диёнат» ва унинг иловаси «Ҳуқуқ оламида» газеталари кубоги учун «Динамо» спорт жамияти аъзолари ўртасида футбол бўйича мусобақалар ташкил этилди. Унда вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг 8 та жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда тўп суришди.

Ҳужумкор ва муросасиз кечган баҳслардан сўнг, вилоят прокуратураси ҳамда ички ишлар бошқармаси жамоалари финалда рўбарў келишди. Учрашувнинг асосий ва қўшимча вақтларида дарвозалар дахлсиз қолди. Пенальтиларни амалга оширишда ички ишлар спортчиларига омад кулиб боқди. Учинчи ўрин эса вилоят мудофаа ишлари бошқармаси терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган вилоят давлат солиқ бошқармаси вакилларига насиб этди.

Голибларга таҳририятнинг қимматбаҳо совринлари топширилди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ТАШКИЛОТ

Музқаймоқ ва қандолат неъматларини тайёрлаб чиқаришда масаллиқ ўрнида ишлатиладиган глазурларни арзон баҳоларда, исталган миқдорда сотади.

ТАШКИЛОТ ТАЛЕФОНЛАРИ: 45-70-60, 45-74-62.

«ЧОРСУ БУЮМ БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

«Чорсу буюм бозори» ОАЖ акциядорларининг 2001 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши қарорига биноан жамият акциядорларига дивиденд пулларини тўлаш бошланди. Акциядорлар жамият бухгалтерияси кассасига мурожаат этишлари сўралади.

Манзил: Шайхонтохур тумани, Заркайнар кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девоннинг масъул ходими Б.С. Азизовга волидаи муҳтарамаси **Комила ая БЕКМУҲАМЕДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — битта автомобиль пулига

ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- **ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;**
- **автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;**
- **ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;**
- **ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.**

ШОШИЛИНГ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 69-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серия сининг 1, 2, 3, 4 ва 5 турларда тўғри келиши текширилади. 6 турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР	4000000	Сумма:	68	90058517.2	Сумма:	87	Сони: 510
51	Чипталар	4000000	13	**6 ТУР**	2000000	Сони: 36	Сумма: 700
3	рақами	Чипталар	65	55	Чипталар	Сумма: 1300	**20 ТУР**
75	20206098.1	рақами	10	Сони: 2	рақами	**14 ТУР**	29
63	30272845.3	20481223.1	52	Сумма:	10009976.1	74	Сони: 1025
69	**3 ТУР**	30089766.1	41	4000000	30205958.1	Сони: 40	Сумма: 600
1	35	**4 ТУР**	73	Чипталар	40029729.1	Сумма: 1200	**21 ТУР**
9	21	82	44	рақами	70064361.2	**15 ТУР**	90
71	12	4	Сони: 3	20234563.1	**9 ТУР**	50	Сони: 1384
49	33	58	Сумма:	30054163.3	16	Сони: 71	Сумма: 500
7	54	84	2666666	**7 ТУР**	Сони: 5	Сумма: 1100	**22 ТУР**
62	47	89	Чипталар	36	Сумма: 2000	**16 ТУР**	14
37	17	67	рақами	Сони: 5	**10 ТУР**	59	Сони: 2617
Сони:12	19	39	20079483.3	Сумма:	45	Сони: 114	Сумма: 400
Сумма:	85	2	30046210.1	1600000	Сони: 8	Сумма: 1000	**23 ТУР**
666666	43	66	40361650.3	Чипталар	Сумма: 1700	**17 ТУР**	30
2 ТУР	78	40	**5 ТУР**	рақами	**11 ТУР**	56	Сони: 3606
77	20	79	32	50351989.1	5	Сони: 162	Сумма: 300
88	6	26	Сони: 3	50411536.2	Сони: 6	Сумма: 900	**24 ТУР**
83	22	70	Сумма:	70169399.2	Сумма: 1500	**18 ТУР**	86
64	25	60	2666666	70200907.2	**12 ТУР**	81	Сони: 4952
23	48	57	Чипталар	80279665.3	11	Сони: 374	Сумма: 300
27	38	8	рақами	**8 ТУР**	Сони: 15	Сумма: 800	**25 ТУР**
Сони: 2	76	46	10207390.2	31	Сумма: 1400	**19 ТУР**	34
Сумма:	Сони: 2	72	70343665.3	Сони: 4	**13 ТУР**	80	Сони: 7458

Сумма: 300
26 ТУР
15
Сони: 13449
Сумма: 300
Қўшимча тур
Сони: 441
Сумма: 900
Халтадан чиқмаган шарлар:
18
24
28
42
53
61

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 2 майдаги 71-тиражида ўйналадиган ютуқлар:



Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00-дан кейин ютуқли чипта берилган заҳоти "Лаура" ХФ ...да берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60. Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари, ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясини газета киоскаларидан ва чипта тарқатувчиларидан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 29 апрелдаги 70-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 ТУР – «Нексия» автомобили,
2 ТУР – «Нексия» автомобили,
3 ТУР – «Нексия» автомобили,
4 ТУР – «Нексия» автомобили,
5,6,7,8 ТУРЛАР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор ва қолган турларда пул ютуқлари.

Чипта баҳоси — 300 сўм

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

Пул ютуқлари «Ўзуйжойжамғармабанк» филиалларида, Миробод тумани Халқ банки бўлими омонат кассалари ва «Лаура» ХФ ҳамда чипта тарқатувчилар томонидан ҳар куни якшанбадан ташқари тираж ўйналгандан кейин 10 кундан сўнг берилади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.20
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA